



UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
JUMHURIYATI  
IN.V. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 25 сентябрь, № 187 (5102)


Шанба

## ОЗАРБОЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг таклифи билан Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев 27-28 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон — Озарбойжон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари,

томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида турли соҳаларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

## «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ»



YÜKSÖK MƏNƏVİYYAT —  
YENİLMƏZ GÜC

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби мамлакатимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш ва эътибор билан кутиб олинди.

Ушбу китоб дунёнинг бир неча тилларида таржима қилиниб, нашр этилди. Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Кувейт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳраин каби мамлакатларда китобнинг тақдимот маросимлари ўтказилди.

Яқинда эса «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби Озарбойжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида озарбойжон тилида чоп этилди. Китобга таниқли дин ва жамоат арбоби, Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхул-ислом Аллохшукур Пошшоода сўзбоши ёзган. Куйида ушбу сўзбоши эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Бисмиллоҳир-рахмонир Раҳим!

Инсоният цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ҳар бир миллат нафакат ўз бойликлари, балки, биринчи навбатда, юксак маънавияти ва маданияти билан кучлидир, деган оддий ҳақиқатни қайта-қайта исботлаб келмоқда. Бу борада кўпна ўзбек дийдири жон маданияти, илм-фани ва маънавияти ҳазинасини бойитишга беқисб ҳисса қўшиб келатган кутлуг заминдир, десам, ўйлайманки, муболаға бўлмайди. Бу юрда Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва мутафаккирлар тугилиб,

дунё тамаддуни тарихида ўчмас из қолдиргани бунинг ёрқин исботидир. Бу буюк зотларнинг асарлари ҳозирги кунгача ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмасдан, улкан илмий ҳамда маънавий бойлик сифатида юксак кадрларни келмоқда. Бошқача айтганда, бу бебаҳо мерос дунёдаги мана мана деган ақл-заковат соҳиблари эътироф этадиган ва бутун мусулмон уммати фахрланадиган бойликдир.

Табъин, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (АЙСЕКСКО) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, ўзбек халқи ва унинг буюк аждодларининг жаҳон цивилизацияси ҳамда маданияти ривожига нечоғли

катта ҳисса қўшганининг ёрқин эътирофи бўлди. Буни қарангки, 2009 йилда Боку шаҳри маънавий бирлигимиз ва ўзаро тарихий боғлиқлигимизнинг рамзи сифатида Ислам маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинди.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, мени Ўзбекистон билан кўп ришталар боғлаб туради. Аввало, менинг ёшлик йилларим шу муборак заминда кечди, шу ерда мен дин арбоби бўлиб камол топдим. Айнан шу мамлакатда ўрта ва олий диний маълумот олдим, бағрикенглик, инсонпарварлик, маданият, аъналар, урф-одатлар ҳақида гамхўрлик қилиш ва умуман, инсон учун муқаддас

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБОЙЖОН ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг миллий аъналар, урф-одатлар, тил, маданият ва диннинг умумийлиги ва яқинлиги бирлаштириб туради.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Озарбойжон ишонча, бир-бирларининг манфаатларини ўзаро тушуниш ва ҳурматлаш тамойиллари асосланган аънавий дўстона муносабатларни юқори баҳолайди. Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида илик ва ўзаро ишонча асосланган муносабатлар ўрнатилган. 1997 йилдан буён тўрт марта олий даражадаги ташриф амалга оширилган — 1998 ва 2008 йилларда Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов расмий ташриф билан Бокуда бўлган, шунингдек,

маънода, Ўзбекистон Республикасининг Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш борасида тутган нуктаи назари мустақам ва ўзгармас бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон 2008 йилда Озарбойжоннинг ташаббуси билан илгари сурилган БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюцияларини овозга қўйиш жараёнида ушбу масалага доир ўз нуктаи назарини очик-ойдин тасдиқлади. Ўзбекистон Тоғли Қорабоғ муаммосини тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни изчил ёқлаган ва ёқлаб келмоқда ҳамда Озарбойжоннинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини таъминлаш муқорони бартараф этишининг асосий шартини, деб билди.

(Давоми 2-бетда).

## БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING МУЗОКАРАЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли раҳбарлигидаги делегация аъзолари 24 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани ало-

ҳида таъкидланди. Икки мамлакат ўртасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида ўзаро таъриб ва ахборот

алмашувини такомиллаштириш, бу йўналишда турли халқаро ва жамоат ташкилотлари доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани қайд этилди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада

(Давоми 2-бетда).

## ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқини ўқиб.

Ҳозирги замонда муайян бир мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини белгилайдиган мезонлар орасида ўша давлат юритаётган сиёсат, бу сиёсатнинг қанчалик холис, фойдали, тўғри экани алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиздир. Шу нуктаи назардан давлатимиз раҳбари ўз нутқида кўтарган муаммолар ва уларнинг ечимини юзасидан илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги ялпи мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Президентимиз дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган уруш ва муносабатлар, ҳамон сақланиб қолган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, тез тарқалувчи касалликлар каби бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда тўсиқ бўлаётганини, буни Афғонистон мисолида кўриш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Ислам Каримов неча йилдан буён уруш давом этаётган Афғонистонда тинчлик ўрнатмасдан туриб, минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни ўша таъминлаб бўлмаслигини доимо таъкидлаб келди. Давлатимиз раҳбари 1999 йилда ЕХТнинг Истанбул саммитида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон можаросига қаратиб, бу

### Муносабат

қаторда, мамлакатимизнинг аънавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, қамсонли миллатлар манфаатларига эътиром билан муносабатда бўлиш ва ушбу масала бўйича зарур қадамлар бериш, бир сўз билан айтганда, у ерда яшайётган одамларнинг маънавий қарашларини тан олиш, принципал ва долзарб аҳамият касб этади.

Ислам Каримов ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ҳақида муҳим аҳамиятга эга эканли-

гини таъкидлади. Ушбу йўллардан бири, деб қайд этди Президентимиз ўз нутқида, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

Яна бир муҳим жиҳат. Ислам Каримов ташаббуси билан 2004 йилдан буён Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига Афғонистон раҳбари таклиф қилинади. Зеро, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ШХТ доирасида ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва минтақда хавфсизликни таъминлашда муҳим омиллардан биридир. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, мамлакатни тиклаш ишларига фаол ҳисса қўшмоқда. Йўллар, темир йўллар, кўприклар қурилишида иштирок этмоқда. Мамлакат пойтахти Кобул шаҳри Ўзбекистон етказиб бераётган электр қувватидан фойдаланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Маҳаллийлаштириш дастури:

# АМАЛИЁТ ВА САМАРАДОРЛИК

Мамлакатимизда ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада кейинги йилларда четдан келтирилётган қўллаб турдаги хом ашё ва бутловчи буюмларни ўзинида тайёрлаш йўлга қўйилди. Табиийки, бунда Президентимизнинг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлаётди.



### Қарор ва ижро

лойиҳалар ижроси туфайли 4,2 миллион АҚШ доллар миқдориди валюта иқтисоди қилиб қолди.

«Наманганмаш» очик акциядорлик жамияти — Маҳаллийлаштириш дастурида фаол қатнашаётган корхона-

лардан бири. Бу ерда бугунги кунда нефть, газ ва энергетика соҳаси учун зарур бўлган қувур арматуралари, конвейерли ролик, сурма қопқоқ сингари 32 турдаги металл жиҳозлар ишлаб чиқарилаётди. Уларнинг аксариятини сўнгги йилларда тайёрлаш йўлга

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: «Наманганмаш» корхонаси мутахассислари Илҳомжон Убайдуллаев, Авазхон Умаров ва Нурулло Абдуллаев маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Мақсад — маҳсулот турларини кўпайтириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида республикаимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида

**181** турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бунинг натижасида корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотларнинг турларига контейнер ташигичлар, автогазчилик, купе типидagi йўловчи ташувчи вагонлар, колонна ва реактор ускуналари, ёғни эчилаш учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, акрил ипи каби маҳсулотлар қўшилди.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

## «Автоойна» муваффақиятлари

ФАРФОНА шаҳридаги «Автоойна» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига 20 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Натижада корхонанинг 700 кишилик жамоаси асакалик автомобилсозларга турли хил ойналар етказиб беришни янада кўпайтирди. Корхонада шу йилнинг ўтган саккизи ойи мобайнида 21 миллиард 722 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 103 фоизлик ўсишга эришилгани бунинг яққол далилидир.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Инвестиция ҳисобига янгилашиш

ХОРАЗМ. «Урганч бахмал» МЧЖда 167 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошиб, йилига 16,5 миллион погонметрча газлама тайёрлаш имконияти юзага келди. Қўшимча 20 та янги иш ўрни яратилди.

Бу ерда жорий йилнинг ўтган 8 ойида 2 миллиард 871 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 182 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Қишлоқда тўқимачилик корхонаси

НАМАНГАН. Янгиқўрган туманидаги савдога ихтисослаштирилган «Широбом» МЧЖ яқинда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу корхонада ойига беш минг дона бежирим ва сифатли кийим-бош тайёрланиб, савдо шохбчаларига етказиб берилмоқда. Шу кунгача корхонанинг 31 кишилик жамоаси салкам 20 миллион сўмлик маҳсулотни ички бозорга чиқарди. Муҳими, ушбу маҳсулотлар тезда харидорини топди. Туман ва вилоятдаги бир қатор савдо корхоналари билан 250 миллион сўмлик шартномалар имзолангани ҳам бундан далолат бериб турибди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



24 соат ичида Шамол ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг катта станция Буюк Британиянинг Кент графлигида ишга туширилди.

Энг катта станция

Мазкур иншоотни куриш ишлари бундан икки йил муқаддам Швециянинг "Vattenfall" компанияси томонидан бошланган. Бир миллиард АҚШ долларидан кўп маблағ сарфланган мажмуа 200 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаб беради.

Ноёб турдаги жониворлар топилди

Гарбий Африка минтақасидан бундан қарийб 70 йил муқаддам йўқ бўлиб кетган, деб ҳисобланаётган қурбакаларнинг икки тури топилган.



Бундан ташқари, охири бор 1941 йилда дуч келинган Мексика саламандри ҳам мазкур ҳудудда аниқланди. Бу жониворларни ҳайвонларнинг ноёб турларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи "Conservation International" ташкилоти ҳодимлари топилган. Муассаса бир неча ўн йилдан буён кўзга ташланмаётган 100 га яқин жониворлар турларини топши билан шуғулланиб келмоқда.

Янги корхона иш бошлади

Венгриянинг Дёр шаҳрида бунёд этилган Германиянинг "Audi" автомобилсозлик компаниясига қарашли корхонада машиналар ишлаб чиқариш бошланди.

"Automotive News Europe" нашрининг ёзишича, ҳозир "А3" ва "ТТ" русумли автоуловлар шу ерда йиғилмоқда. Уларнинг баъзи эҳтиёт қисмлари эса Германиядан келтирилади. Режага кўра, 2013 йилдан бу ерда машиналар учун рамалар ташвирлари ва қузволарнинг эҳтиёт қисмларини қолип-лаш йўлга қўйилди.

Корхонани бунёд этишга 900 миллион евро миқдорда сармоя йўналтирилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, турли соҳалар ривожига алоҳида аҳамият қаратади. Сайёҳлик аксарият мамлакатлар учун шундай беқиёс соҳалардан бирики, у иқтисодийёт тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш, хорижий валюталарни кенг жалб этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, халқаро муносабатларни мустақамлаш каби ўт донлар масалаларнинг ижобий ечим топишида муҳим ўрин эгаллайди.

РИВОЖЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ БЎҒИНИ

Жаҳоннинг кўзга кўринган экспортлари фичрича, сўнгги 50 йилда сайёҳлик саноати бошқа соҳаларга нисбатан жадал сурьатларда ривожланди. Янги юз йилликда эса ушбу натижадан нафақат саклаб қолиш, балки ушбу кўрсаткичларини бундан-да оширишга эришиш лозим.

Дарҳақиқат, статистика маълумотларига эътибор қиладиган бўлсак, 1998 йилдан бошлаб дунё хизматлари бозорида сайёҳлик соҳаси етакчи ўринга кўтарилиб олди. Бутунжаҳон туризм ташкилотли таҳминларига қараганда, ушбу асрда сайёрамиз бўйича сайёҳлар сони қарийб уч баробарга ортиб, 1,6 миллиард кишига етди. Бир сайёҳ сарфлайдиган маблағ эса икки баробарга ошди. Масалан, 1995 йилда бир киши ушбу мақсад учун ўртача 707 АҚШ долларини ишлатган бўлса, 2020 йилга бориб, бу кўрсаткич 1248 долларни ташкил этиши кутулкида.

Жаҳон бўйича сайёҳликни кенг тарғиб қилиш, мазкур соҳанинг иқтисодийётига нақадар муҳим ўрин тўтишини жамоатчилик атрофида тушунтириш, давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 1979 йил Испаниянинг Торремолино шаҳрида ўтказилган Бош ассамблеясида 27

сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни деб эълон қилинди. Ушбу сана, 1980 йилдан бошлаб халқаро ҳам-жамянат томонидан катта шодийна сифатида нишонлаб келинади. Дароқе, ҳар йили ташкил этиладиган турли тадбир ва фестиваллар маълум бир шир остида ўтказиладди. Айтилик, 2009 йилги анжуманлар "Туризм — хилма-хилликлар тантанаси" деган ном билан уюштирилган бўлса, 2010 йил учун "Туризм ва биохилма-хиллик" ширни танланган. Ана шу ширлар мазмун-маъно хиятидан келиб, сайёҳликнинг турли йўналишлари истиқболи ҳақида фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Таъкидлаш жоиз, бундан икки йил муқаддам бошланиб, жаҳон иқтисодийётига мураккаб аҳволга келиш, хориқ чикариш каби ўй-хаёлларни бир оз нутиб туришларига мажбур қилди. Натихада авиаконаниларда йўловчилар ташини ҳажми пасайди, сайёҳлик компаниялари хизмат кўрсатадиган миқдорлар сони камайди. Утган

йилда жаҳон бўйича туризмдан кўриладиган даромад миқдорининг 6 фоизгача тушиб, 852 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани бунинг яққол далилидир. Иқтисодийётида туризм соҳаси муҳим ўринини эгаллайдиган мамлакатлар бундай салбий ҳолатга шунчаки қараб тура олмасликлари аниқ эди. Шу

Мисол учун, айрим давлатлардаги иқтисодий ривожланишнинг жуда суст бораётгани, шу жумладан, иш-сизлик муаммосининг хали тўла бартараф этилмагани жаҳон сайёҳлик бозорига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бугун дунё сайёҳлик тизимида ана шундай жараёнлар давом этмоқда. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган, ўзининг тарихий обидалари, бетакор маданияти ва аънавалари, табиати билан сайёҳларни тобора ўзига жалб этаётган Ўзбекистон ҳам мустақиллик туфайли ушбу жаҳон бозорининг муҳим вақилига айланди. Юртбошимиз раҳна-молигида мазкур соҳа ривожини ун ҳам моддий, ҳам маънавий эътибор кучайтирилди. Туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизimini таъминлаш мақсадида 1992 йил 27 июлда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилди. Мамлакатимиз 1995 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлди. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбектуризм" миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаш-

тириш тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатлар соҳа тараққийоти учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини

хоналар, дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати яхшиланиб бормоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъминланиб, янгилири барпо этилаётгани соҳанинг янада ривожланишига, юртимизга келаятган сайёҳлар сонининг йил сайин ортиб боришига хизмат қилмоқда.

1995 йилдан буён мамлакатимизда мунтазам равишда "Буюк Ипак йўли туризми" халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси ўтказиб келинади. Бундай нуфузли тадбирни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашдан иборат. Ушбу ярмаркада иштирок этиш истагини билдираётган давлатлар сонининг йилдан-йилга ошиб бо-

раётгани чет элликларнинг юртимизга бўлган қизиқишидан далолатдир. Мухтасар айтганда, бундай сайёҳ-харакатларнинг барчаси туризм соҳасининг иқтисодийётидаги уллушини оширишга, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Шевкет ОРТИҚОВ.

27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни

боис фавқулодда чора-тадбирлар қўлланилди. Масалан, қўнча қитъа вақиллари саёхат учун берилдиган йўлнамалар нархини ҳатто 20 фоизгача арзонлаштиришди, меҳмонхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида қўшимча имтиёзлар тақлиф этилди. Албатта, бундай сайёҳ-харакатлар анча вақтдан кейин бўлса-да, ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Хусусан, 14 ой давом этган мураккаб вазиятдан сўнг, 2009 йилнинг тўрттинчи чораига келиб дунё бўйича сайёҳлар сони 2 фоизга ошди. Жорий йилнинг дастлабки ойларида эса бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил қилди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳисоб-ки-тобларига кўра, 2010 йил якуни бўйича сайёҳлар ҳажми 3-4 фоизга ортади.

— Гарчи сўнгги ойларида иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб,

ноёб тарихий обидалари, бетакор маданияти ва аънавалари, табиати билан сайёҳларни тобора ўзига жалб этаётган Ўзбекистон ҳам мустақиллик туфайли ушбу жаҳон бозорининг муҳим вақилига айланди. Юртбошимиз раҳна-молигида мазкур соҳа ривожини ун ҳам моддий, ҳам маънавий эътибор кучайтирилди. Туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизimini таъминлаш мақсадида 1992 йил 27 июлда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилди. Мамлакатимиз 1995 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлди. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбектуризм" миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаш-

"Туризм, содда қилиб айтганда, дунёни тушуниш, дунёни англаш, шу билан бирга, дунё санига чиқиш, демакдир. Биз ана шу муҳим соҳани ривожлантиришимиз, унинг кенг имкониятларидан фойдаланишимиз керак. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларимизнинг 2500 — 3000 йиллик тарихи бор. Бу — жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин. Қолаверса, дунё халқлари юртимизга қанча кўп келса, шунча кўп таниламос, шунча кўп имкониятларимизни кўрсатамос. Бунинг учун, энг аввало, меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишимиз, уни жаҳон андозаларига тенглаштиришимиз керак".

Ана шундай оқилона ёндашув туфайли сайёҳлик соҳасининг мамлакатимиз иқтисодийётидаги уллуши тобора ортиб бормоқда. "Ўзбектуризм" миллий компаниясидан олинган маълумотларга қараганда, 1993 йилда юртимизда бор-йўғи 4 та хусусий сайёҳлик фирмаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар 738 тани ташкил этади. Шунингдек, замонавий меҳмон-

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади: ип газлама ватин, табиий мўйнадан тайёрланган ёқа, сунъий мўйнадан тайёрланган ёқа, сунъий мўйна, солдатлар лагерь палаткалари, «УСБ-56» русумли палаткалар, «УСТ-56» русумли палаткалар, икки ўринли палаткалар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилояти филиали бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Бухоро шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан Бухоро вилояти ҳужалиқ судининг 2010 йил 5 июлдаги 20-1004/841-сонли ижро варақасига воесан хатланган, «Миркул» хусусий қурилиш-монтаж-трестига тегишли, Бухоро шаҳри, Жароқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 3545,0 кв.м., қурилиш майдони 328,0 кв.м.дан иборат икки қаватли бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 28 октябр кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Бандлик Навоий шаҳар ҳокимлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этиди. Унда ҳудуддаги 76 корхона ва ташкилот ўзларидаги 306 та иш ўрни билан қатнашди. Ушбу меҳнат бозорида иштирок этган 104 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлнамалар берилди. Уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги эътиборлидир. Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Давлат ва ширкатилик ширкати турлича бўлган Корхоналар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ қуйидагиларни етказиб бериш бўйича тендер ўтказилиши ҳақида эълон қилади: — ўт ўчириш кўчма техникаси учун ишчи босими 1,6 мПа бўлган, ички қисми латексли, гидроизоляция қатламли, диаметри 51 мм., 66 мм. ва 77 мм.ли ўт ўчириш энгларни (пожарные рукава); — ўт ўчириш кўчма техникаси учун ишчи босими 1,2 мПа бўлган, ички қисми латексли, гидроизоляция қатламли, диаметри 150 мм.ли ўт ўчириш энгларни.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. 1. Тендер савдолари предмети. Серверлар ва компьютер техникаларини етказиб бериш. 2. Тендер ўтказиш шакли — очик, икки босқичли, икки конвертли. 3. Тендер комиссияси ишчи органнинг номи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати, 100008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Телефонлар: (99871) 239-11-23, 239-47-49. Тел./факс: (99871) 239-11-39. E-mail: pension\_uz@mail.ru, ShMansurov@mf.uz

«REPUBLIKA MULK – AUKSIONI» ДК очик аукцион савдоларига тақлиф этади. 2010 йил 26 октябр кунин соат 16.00 дан бошлаб ўтказиладиган, бошланғич баҳоси охиб бориш тартибдаги очик аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 19-уйда жойлашган Республика инкассация бирлашмаси ҳисобидagi куйидаги автотранспорт воситалари қўйилди: — 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Опель Вектра», давлат рақами 10 АГ 720, бошланғич баҳоси — 7 491 000 сўм; — 1994 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Опель Вектра», давлат рақами 10 ВГ 899, бошланғич баҳоси — 6 917 900 сўм; — 1994 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Опель», давлат рақами 10 АН 885, бошланғич баҳоси — 6 917 900 сўм; — 1994 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Опель Вектра», давлат рақами 10 АН 274, бошланғич баҳоси — 6 917 900 сўм; — 1998 йилда ишлаб чиқарилган, қўқ рангли «Опель Омега», давлат рақами 10 АН 265, бошланғич баҳоси — 9 075 000 сўм; — 1994 йилда ишлаб чиқарилган, тўқ жигаррангли садаф «Опель Омега», давлат рақами 01/844 FAA, бошланғич баҳоси — 7 337 000 сўм; — 1996 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «ДЭУ Принц», давлат рақами 10 АН 273, бошланғич баҳоси — 7 510 800 сўм; — 1996 йилда ишлаб чиқарилган, қумушсимон рангли «ДЭУ Принц», давлат рақами 01/845 FAA, бошланғич баҳоси — 7 510 800 сўм; — 1996 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Супер Салон», давлат рақами 01/783 FAA, бошланғич баҳоси — 5 195 300 сўм; — 1996 йилда ишлаб чиқарилган, яшил рангли «Эсперо», давлат рақами 10 АН 276, бошланғич баҳоси — 5 517 600 сўм; — 1995 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли «Эсперо», давлат рақами 01/058 KAA, бошланғич баҳоси — 5 259 100 сўм; — 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Нексия», давлат рақами 01/768 FAA, бошланғич баҳоси — 4 132 700 сўм; — 2000 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Нексия», давлат рақами 10 АО 898, бошланғич баҳоси — 3 807 100 сўм; — 1999 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Нексия», давлат рақами 01/019 KAA, бошланғич баҳоси — 3 740 000 сўм; — 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли «Нексия», давлат рақами 01/944 DAA, бошланғич баҳоси — 3 550 800 сўм; — 1998 йилда ишлаб чиқарилган, қумушсимон рангли «Нексия», давлат рақами 10 АГ 857, бошланғич баҳоси — 2 967 800 сўм; — 1998 йилда ишлаб чиқарилган, яшил рангли «Нексия», давлат рақами 10 АН 382, бошланғич баҳоси — 2 646 600 сўм; — 1999 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли «Нексия», давлат рақами 01/791 FAA, бошланғич баҳоси — 2 399 100 сўм; — 1997 йилда ишлаб чиқарилган, қумушсимон рангли «Нексия», давлат рақами 10 АН 843, бошланғич баҳоси — 2 304 500 сўм; — 1997 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли «Нексия ДЭУ», давлат рақами 01/240 FAA, бошланғич баҳоси — 2 292 400 сўм; — 1996 йилда ишлаб чиқарилган, денгиз тўққини рангли «BA3-21061», давлат рақами 10 АЛ 015, бошланғич баҳоси — 1 102 200 сўм; — 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «Мерседес-Бенц» русумли микроавтобус, давлат рақами 01/798 EAA, бошланғич баҳоси — 16 038 000 сўм; — 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «ТАРЗ-3270» русумли автобус, давлат рақами 01/792 FAA, бошланғич баҳоси — 3 663 000 сўм; — 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-330730» русумли бортли юк машинаси, давлат рақами 10 АЛ 775, бошланғич баҳоси — 4 079 900 сўм.

Тендер савдоларида иштирокчиларга қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинаётган маҳсулотларни етказиб бериш тақрибидан эга, шунингдек, тақлиф этилаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчидан қафолат хатига эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин. 4. Иштирокчи қуйидаги талабларга жаваб бериши шарт: — ахборот технологиялари ва ёки компьютер техникасини етказиб бериш соҳасида камиди 3 йил фаолият юритган бўлиши; — охириги уч йилда маҳсулот айланмаси 3 500 000 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги (компаниянинг сўнгги 3 йиллик молиявий ҳисоботини тақдим этиш, йирик бюлтемачилари ҳақида ва улар билан мулоқот қилиш манзилларини кўрсатиш лозим); — серверлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг расий хамкори бўлиши; — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига етказиб бериладиган тендер асосида харид қилинаётган маҳсулотларни, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қафолат мuddати давомидан қафолат мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигини тасдиқловчи хат; — камиди 3 йиллик таърибага эга бўлган сертификатланган мутахассислари мавжуд бўлиши. 5. Етказиб бериладиган серверлар ва компьютер техникаларининг спецификацияси, сони ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида кўрсатилиши керак. 6. Етказиб бериш шартлари (ИНКОТЕРМС-2000 га асосан): — хорижий иштирокчилар учун — СІР Тошкент; — маҳаллий етказиб бериувчилар учун — харидорнинг Тошкент шаҳридаги омбори. 7. Серверлар ва компьютер техникаларини етказиб бериш мuddати — шартнома имзоланган санадан сўнг 90 кун давомида, кейинчалик серверлар шевф-монтаж бўйича хизмат кўрсатиш шартин билан. 8. Тендер тақлифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади. 9. Тендер савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни: — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz сайтидан; — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратидан олиш мумкин. 10. Тендер тақлифлари қуйидаги манзилда очилади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси. 11. Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 400 АҚШ доллари: — резидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курс бўйича сўмда амалга оширилади; — норезидентлар учун тўлов АҚШ долларини амалга оширилади.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Фарзанд нихол кабир. Унинг тарбияси ота-она, устоз ва мураббийлардан алоҳида ёндашув, меҳр ва эътибор талаб этади. Шу маънода, бугун мамлакатимизда ёш авлод камоли йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, келажакимиз пойдеворини мустахкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

БЕКЎС МЕҲРДАН БАҲРАМАДА АВЛОД

Бундан ўн тўққиз йил муқаддам биз ҳам ана шундай хайрли ишга бош қўйиш мақсадида шахримизда илк мартаба болалар бoғчаси тарихида 1-синф ўқувчилари учун махсус гуруҳ ташкил қилиб, боғча-мактаб мажмуасини яхши ният билан "Парвoс" деб номлаган эдик. Мана, бугунга келиб, мажмуамиз нафақат вилоятдаги, балки мамлакатимиз миқёсидаги нуфузли таълим масканларидан бирига айланди.

Маънавият тарғиб тармоғида болалар ўрта таълимига ихтисослаштирилган бўлимининг 40 та синфида 1 100 нафардан зиёд ўқувчи таълим олади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қароридан сўнг мактабимиз фаолияти самарадорлигини оширишда янги бир босқич бошланди. Айни пайтга келиб, муассасада математика, информатика, тарих, инглиз, корейс ва рус тили фанлари чуқур ўргатилаётган. Бундан ташқари, ўқувчилар кунига саккиз соат мобайнида ўқув жараёнлари, ижодиёт марказлари, спорт машғулотларига тўлиқ жалб этилади. Ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган бу каби эътибор эса уларнинг турли фан олимпиадаларида, спорт мусобақалари ва

ларини самарасидир. Мактаб мажмуада 72 нафар мутахассис махсус режа асосида ўқув ишлари самарадорлигини ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Янгича педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ёрдамида дарс жараёнларининг қизиқарли ва ўзига хос тарзда ташкил этилаётганиги ёшларнинг илм олишга бўлган интилиши янада кучайишига хизмат қилаётди. Аҳамиятлиси шундаки, муассасада мавжуд ҳар бир фан кафедраси интернет тармоғига уланган бўлиб, ўқувчиларнинг билим даражаси, олган сабоқлари ҳар кунини "Электрон журнал"га қайд этиб борилади. Бу эса ота-оналарга фарзандларининг дарс машғулотларини ўзлаштириш даражаси қай аҳволда эканлигидан мунтазам бохабар бўлиб бориш имконини бермоқда.

Бугунги кунда таълим масканимизда амалиётга татбиқ этилаётган бундай янгича усуллар бошқа илм даргоҳларида фаолият кўрсатаётган ҳамкасбларимизда ҳам алоҳида қизиқиб уйғотаётди. Хусусан, мактабга Тошкент шаҳри ҳамда Жиззах, Сирдарё вилоятларидан бир гуруҳ ўқитувчилар ташриф буюриб, бизнинг тажриба ва услубларимиз билан яқиндан танишдилар. Меҳнату изланишларимиз алоҳида эътибор ва қизиқишларга сабаб бўлаётганлигидан фахрланамиз, албатта. Эндиги мақсадимиз ҳам бу борадаги ишлар




беллашувларида ижобий натижаларни кўлга киритишларида муҳим омил бўлмоқда. Қувонарлиси, ўтган ўқув йили хулосаларига кўра, ёшларимизнинг билим самарадорлиги 86,6 фоизни ташкил этди.

Бу, энг аввало, таълим масканда фаолият кўрсатаётган малакали педагогларнинг маҳорати ва изланиш-

самарадорлигини кучайтириш, меҳримиздан куч олиб камолга етаётган ўғил-қизларнинг иқтисодари ва салоҳиятини юксалтириш йўлида ибратли ишларни амалга оширишдир.

Галина АКОПЖОНОВА, Фарона шахридаги 40-ихтисослаштирилган боғча-мактаб мажмуаси директори.



НАФИС СПОРТ ОҲАНРАБОСИ

Сирдарё вилоятида болалар, хусусан, қизларни спортга жалб этиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бунини вилоятда бадий гимнастика ривожланиб бораётгани, нафис спорт тури билан шуғулланаётганлар сони тобора ортаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Махсус таълим муассасаси, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби негизда намунавий спорт заллари, бадий гимнастика хоналари ташкил этилган. "Гулистон" марказий стадиони худудидаги бино реконструкция қилиниб, бадий гимнастика зали қиёфасида қайта чирой очди. У 130 миллион сўмдан раиси Дилшода Ҳайдарова. — Бугунги кунда Гулистон шаҳридаги "Алломиш" спорт мажмуасида вилоят бадий гимнастика федерацияси фаолият юритмоқда. 5680 нафар қиз шу спорт тури тўғрисида аъзо бўлиб келмоқда. Улар учун керакли шароитлар яратиб берилган.

Чунинчи, 11 мактаб, 10 та ўрта махсус таълим муассасаси, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби негизда намунавий спорт заллари, бадий гимнастика хоналари ташкил этилган. "Гулистон" марказий стадиони худудидаги бино реконструкция қилиниб, бадий гимнастика зали қиёфасида қайта чирой очди. У 130 миллион сўмдан раиси Дилшода Ҳайдарова. — Бугунги кунда Гулистон шаҳридаги "Алломиш" спорт мажмуасида вилоят бадий гимнастика федерацияси фаолият юритмоқда. 5680 нафар қиз шу спорт тури тўғрисида аъзо бўлиб келмоқда. Улар учун керакли шароитлар яратиб берилган.

мураббийлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилаётди. Қолаверса, таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг 508 нафари бадий гимнастика мураббийлиги бўйича сертификат олган.

Бадий гимнастика

— Тўғрақаримизда 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган қизлар шуғулланишади, — дейди бадий гимнастика бўйича вилоят терма жамоаси устози Нияра Жемилова. — Кундан-кунга нафис спорт турига қизиқувчи ёшлар сони ортаётган. Ота-оналар ҳам бадий гимнастика фарзандларининг дуркун бўлиб камол топшишида энг яқин кўмақдошга айланаётганини қониқиш билан таъкидлашапти.

Мана шундай эътибор оғушида улғайётган сирдарёлик бадий гимнастикачи қизлар бир қатор турнир ва чемпионатларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Уларнинг орасида Мадина Муҳаммадинова, Жанна Погосова, Юлия Бойкова, Гузал Муҳаммаджонова, Диана Мустафоева, Каролина Макарлова, Рушона Йўлдошева, Қизлархон Жумаева, Малика Жумабоева каби умидли спортчилар бор.

Қувонарлиси, иқтидор эгалари орасида қишлоқдан чиққан истеъодли қизлар ҳам талайгина. Уларнинг мусобақаларда кўрсатаётган натижалари ҳам тобора яхшиланиб бораёпти.

— Қишлоқларимизда қизларимизнинг бадий гимнастика билан шуғулланишлари учун шароитлар бисёр, — дейди Д. Ҳайдарова. — 33 та мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, 10 та коллеж ва лицейда ташкил этилган бадий гимнастика залларининг асосий қисми қишлоқларда жойлашгани шундан далалатдир. Айниқса, Сардоба, Оқолтин, Сайхунбод

туманларида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Умуман олганда, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан шаҳар ва туманлардаги спорт, шу жумладан, бадий гимнастика залларига 87,3 миллион сўмлик жиҳозлар ўрнатилди, 83,8 миллион сўмлик гимнастика гиламлари ҳамда бошқа зарур анжомлар билан таъминланди.

— Бадий гимнастика сирдарёлик қизларнинг ҳам энг сеvimли спорт турларидан бирига айланди, — дейди Ховос туманидаги Меҳнатобод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг "Жаҳи маликалар" бадий гимнастика тўғраги устози Мадина Яҳёева. — Мухими, улар ушбу спорт тури ўзлари учун ҳар томонлама фойдали эканлигини англаб етишди. Мақсадимиз эса вилоятимиздан ҳам кўплаб чемпионларни кашф этишдир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Қарамон ҚУНОЗОВ олган сурат.



Куз... У руҳингни севинча, ажиб туйғуларга тўлдириб овоз беради. Тилларанг япроқлар шаббоданинг тили бўлиб, саховат фасли ҳақида ўз қўшиқларини куйлайдилар. Шунда фарқ пишган боғлар сари талпинасан, кезиб, айланиб, қалбингни гўёки кўлларинга тугиб, кўёшга юзланасан. Болалигинг, илк муҳаббатинг ёдингга тушади.

КУЗ

Балки билиб-билмай қирларга юқиниб, теракларга ўйиб ёзилган исмининг, йўқ уни эмас, муҳаббатинг, юрагинг шохтомилларида қолган соғинч излари қирларга чечанга лола бўлиб кўчиб ўтмаганмикин, дея хаёл сура болайсан. Аслида, умид ҳам илоҳий, ҳам инсоний туйғудир. Умид ҳаддан ташқари улкан, ҳаддан ташқари мажозийдир. Алҳол, куз чоғи ёлқинларга буркангинг келади. Тўғри, бунинг сира илжои йўқлигини ҳис этасан. Аммо мангу нур ёғилгучи ёноқдан ранг олган олмасорда унинг васлини умид қиласан. Зеро, унинг васли бамиқсоли пишканилик айёмида юз берадигандай туюлаверади.

Куз — бу тафаккур. Ақлингни йиғиб, кўнгилга қараб сайр айлансан. Уринингнинг қиши, баҳори, ёзини сарҳисоб қилсан. Нимагадир ачинасан, нимаидир унутгинг келади, нимаидир қитобдай варақлайсан, мийгингга табасум югуради. Оламга, одамга меҳринг ортади... Бундоқ ўйлаб қаралса,

куз фасли табиатнинг инсон зотига табригига ўхшайди. Бу табрикда ҳаёт гўзаллиги, умр азизлиги, ҳар бир лаҳзагинг ширин лаззати акс этади. Мендан сирдарёлик қовунчи Алимурод ота: "Ўзбекистон" деган сўзинг маъносини биласанми?", деб сураганида, оғиз жуфтлаганим захот, аввал бир тилим қовун татиб қуришимни талаб қилиб қолди. Ширинлигидан қўзим равшан тортиди, ичимда шундай бир ҳузур уйғондики, таърифига сўз тополмадим. Бу жуда улғу, жуда буюқ, жуда...

Фақат анжир эмас, нок, узум, нашвати, қаролюю яна... Уларнинг ҳар бири шунчалик мева эмас, ҳар бири ҳикмат. Нафақат нафис қонади, қалбинг тўяди... Сентябрь, октябрь, ноябрь... Шуларнинг шахлоси — биринчиси. Иккинчиси — азамат, мард, сал инжиқ. Учунчисининг бағ-

Туйғу

Энди гапнинг индаллосига қайтсак. Куз қандай келади? Ҳар кимнинг ўз нуктаи назари бор. Бироқ бир таърифда каттаю кичик яқдил, ҳамфир: "Куз меҳрдан кўзлари чарақлаб, муҳаббатини, эъзозини, эҳтиромини олтин шақларга солиб, бизга улашгани мулоиймигина қулиб келади".

Абдували ҚУТЕБИДИНОВ.

МАДАНИЯТ хабарлари

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа байрами — 2010" тадбири бошланди.

Мутолаа байрами

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш, она-Ватанга садоқат руҳида камолга етишларида юртимизда амалга оширилаётган илмий-ислохотларнинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Бу жараёнда, табиийки, ахборот-ресурс марказларининг ўрни беқеъис. "Мутолаа байрами"дан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларнинг мустакил ахборот олишга бўлган интилиши ва қизиқишини кучайтириш, уларни юртимизда янги ҶФП этилган иж-

тимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув-бадий адабиётлар билан атрофича таништиришдан иборатдир.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу байрам доирасида электрон кўлланмалар, дарслик ва илмий-оммабоп адабиётлар тақдимотлари, семинар-тренинглари, шунингдек, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар, илгор педагоглар иштирокидан давра суҳбатлари, учрашувлар, очик дарслар ўқитилиши ҳам режалаштирилган.

Мавжудда ХОЛМАТОВА.

Давр садолари

Тошкент Фотосуратлар уйида "Жўшқин дунё — давр садоси" деб номланган кўргазма очилди.

Унда юртимиз фотостарлари, шунингдек, Ҳамдўстлик давлатлари ва Германиялик ижодкорлар томонидан тақдим этилган 200 дан зиёд фото ҳамда 5 та видеосаран намойиш этилмоқда. Кўргазмага кўйилган асарлар ўн етти нафар ижодкорга тегишли бўлиб, уларда тўрт мавзу — оила, дунёни англаш, қишлоқлардаги ўзгариш жараёнлари ва давр билан ҳамқадмлик акс эттирилган.

— Ижодкор дунёси ҳайратларга тўла, унда акс этган манзаралар эса эзгуликка ва гўзалликка дахлдордир, — дейди Германиялик саныташнос Юли Ройтер. — Ушбу кўргазмага кўйилган асарларда ҳам мусаввирларнинг нозик ўй-кечинмалари, орзу-умидлари, бугунги ҳаётимиз тимсолида ифодаланган. Мазкур асарларнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, улар кишини ўзгариб бораётган оламга теранроқ назар ташлашга ундайди. Кўргазма шу йилнинг 8 октябрга қадар давом этади.

Суннат АСТАНОВ.

Миллий кўғирчоқлар кўргазмаси

Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар маркази"да "Қамолот" ЁИХ вилоят бўлими ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида "Ўзимизнинг кўғирчоқлар" деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Болаларни миллий қадриятларимизга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган мазкур тадбирда Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этиб,

ўзлари тайёрлаган миллий кўғирчоқларни намойиш этишди. Болалар ашула ва ракс жамоаларининг муносиқий чиқишлари кўргазмага ўзгача фойз бағишлади.

А. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси банкнинг пул муомаласи бошқармаси бошлиғи Отабек Нишоновага падари бузрукчорини МАМАСОДИҚ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Омонатдаги маблағингиз ўн қарра ортишини хоҳлайсизми? ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ «Жамғарма» ютуқли, жамғарилувчи омонатини тақдиф этади. Маблағлар 7 ой муддатга йиллик 10% миқдорда даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фойз даромадлари тўланиши билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, 110 та пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқлар омонат қолдигининг 10%, 20%, 30%, 50%, 100%, 200%, 500% ҳамда 1000% миқдорда белгиланади. Ютуқлар тиражи жорий йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади. ХАМ ДАРОМАД, ХАМ ИМКОНИАТ! ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нухсда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келтирилган нарха. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788. Тижорат материали. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона мазли: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Ў.А. яқини — 00.45 Тошпирилди — 01.45 1 2 3 5